
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ “ЧХУНЧХОННАМ ПРОВИНЦИЯСИ ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ ҲАФТАЛИГИ – 2023” ТАДБИРИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Корея Республикасининг Чхунчхоннам провинцияси ҳокимлиги таклифи билан Фарғона вилояти санъаткорлари делегацияси “Чхунчхоннам провинцияси Халқаро маданият ҳафталиги – 2023” (Chungcheongnam-do Global Cultural week 2023) тадбирида иштирок этди. Делегацияга вилоят Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси бошлиғи Зиёдбек Юнусов расмий бошчилик қилди.

Шу йилнинг 7-14 ноябрь кунлари бўлиб ўтган маданий тадбирда Ўзбекистондан ташқари, қўшни Қозоғистон, Хитой ва Монголия давлатларидан ҳам санъат вакиллари таклиф этилди.

Маданият ҳафталиги режасига кўра, дастлаб “SPLAS RESOM” меҳмонхонаси анжуманлар залида ташкилотчилар ҳамда хорижий давлатлардан келган меҳмонлар иштирокида “Чхунчхоннам провинцияси Халқаро маданият ҳафталиги – 2023” тадбирининг расмий очилиш маросими ташкил этилди.

Тантанали очилиш маросимида ҳар бир мамлакат делегацияси раҳбари сўзга чиқиб, ушбу анжуман ўзаро меҳмон давлатларнинг миллий ва маданий салоҳиятини намойиш этиши ҳамда дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш учун қулай имконият эканлигини эътироф этдилар. Шунингдек, маданият ва санъат байрами Корея Республикасида таҳсил олаётган ҳамюртлар учун муносиб тўхфа эканлиги таъкидланди.

Маданият ҳафталиги доирасида Асан шаҳрида жойлашган Sun Moon университетиде, “Есан Юн Бонг-гил гимназияси” да ҳамда Чхунчхоннам провинцияси маданият марказида талабалар (улар орасида фарғоналик талабалар ҳам бор) ва ҳудуд аҳолиси учун концерт дастурлари ташкил этилди.

Шунингдек, Чхунчхоннам провинцияси маданият марказида концерт дастури аввалида 4 та давлат учун алоҳида стенд ажратилиб, кўргазма ўтказилди. Унда бошқа давлатлар қаторида Фарғонанинг миллий либослари ва қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлари намойиш қилинди.

Чхунчхоннам провинцияси ҳудудларида юқори кайфиятда ўтказилган байрам тадбирлари давомида Фарғона вилояти санъаткорлари томонидан намойиш этилган концерт дастури ҳам барчага бирдек манзур бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-11-15 12:51:44